



2018 yil "02" avgust № 386

Farg'ona shahri

Вилоятда 2019 йил ҳосили учун бошоқли дон экишга тайёргарлик кўриш, ғаллани навлар бўйича жойлаштириш, дон экиш агрегатларини таъмирлаш, экиш учун ер тайёрлаш, ғаллани экиш мавсумини уюшқоқлик билан тизим асосида ташкил этиш ҳамда уруғлик дон тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида

2019 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экиш мавсумига тайёргарлик кўриш, бошоқли дон экинларини навлар бўйича оптимал жойлаштириш ва ғалла экишни уюшқоқлик билан мақбул муддатларда ўтказишни ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги 01-03-17-1-сонли йиғилиш баёни топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги 01-03-17-1-сонли йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2019 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ғалла экиш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил қилиш бўйича **Вилоят штаби таркиби 1-иловага;**

2018 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экишни ташкил қилиш тизими **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

жорий йилнинг 1 августигача 2019 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экиш бўйича шаҳар ва туманлар ишчи гуруҳлари таркибини шакллантириб, ишчи гуруҳларнинг ғалла экиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан иш режаларини тасдиқлансинлар ва унда ҳар бир штаб аъзосининг вазифаларини аниқ белгилаб берсинлар;

мазкур ишчи гуруҳлари раҳбарлари этиб шаҳар ва туманлар ҳокимлари тайинлансинлар;

ишчи гуруҳлар таркибини вилоят штаби таркибига (1-иловага) мос равишда шакллантириб, ғалла экишга алоқадор бўлган ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари ҳамда мутахассисларини масъул этиб бириктириб, экиш ишларини самарали ташкил этсинлар;

жорий йилнинг 5 августигача 2018 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экишга тайёргарлик кўриш, ҳосилдорликларни белгилашда ер балл бонитети ва сув йўллари инобатга олган ҳолда тақсимот (размещения) ишлаб чиқиш, ғаллани навлар бўйича жойлаштириш, экиш учун ер тайёрлаш, дон экиш агрегатларини таъмирлаш, уруғлик донни тайёрлаш ва шахобчалар орқали фермер хўжаликларига етказиб бериш, ғалла экиш мавсумини уюшқоқлик билан тизим асосида ташкил этиш бўйича **махсус қарорларини қабул қилсинлар;**

ер тайёрлаш ва бошоқли дон экиш ишларини жорий йилнинг **25-октябригача** яқунлаш бўйича графиклар ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар ҳамда тасдиқланган графикларни вилоят ҳокимлигига тақдим этилишини таъминласинлар.

4. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, “Фарғонадонмахсулотлари” АЖ, “Қўқондонмахсулотлари” АЖ, “Боғдоддонмахсулотлари” АЖ, “Қувадонмахсулотлари” АЖга:

жорий йилнинг 20-сентябригача дон эклишини яқунлаш назарда тутган ҳолда зурур бўлган уруғлик донни белгиланган навлар бўйича тайёрлаш графигини;

ҳудудларда экишнинг оптимал муддатларидан келиб чиққан ҳолда Андижон вилоятидан тайёр уруғликни ўз вақтида олиб келиш графигини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва унинг бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. “Фарғонадонмахсулотлари” АЖ, “Қўқондонмахсулотлари” АЖ, “Боғдоддонмахсулотлари” АЖ, “Қувадонмахсулотлари” АЖга:

уруғлик цехларининг бетўхтов ишлашини, уларда уруғликни сифатли тайёрланиши ва графикда белгиланган муддатларда жойларга етказиб берилишини **қатъий назоратга олиш;**

уруғлик цехларида ва ташиш жараёнида уруғлик доннинг навларининг аралашиб кетишига ва исроф бўлишига йўл қўймасликни, ортиш-тушириш ва сақлаш қоидаларига риоя қилиш;

уруғлик тарқатиш шахобчаларини мавсумга тўлиқ тайёрлаш, фермер хўжаликларига қулай масофаларда қўшимча шахобчалар ташкил қилиш чораларини кўриш;

кузги ғалла экиш учун талаб этиладиган уруғликни жорий йилнинг **20 сентябригача** тўлиқ етказиб берилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. “Агросервис МТП” МЧЖ, “Агробанк” АТБ, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

2019 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экиш мавсумига техникаларни тайёрлаш, таъмирлаш ва созлаш учун эҳтиёт қисмлар заҳирасини яратиш чораларини кўрсинлар ва зарур миқдордаги маблағлар ажратилишини таъминласинлар;

ер тайёрлаш ва ғалла экиш техникаларини жорий йилнинг **10 августигача**, ғўза қатор орасига дон экиш агрегат ва мосламаларини **1 сентябригача** мавсумга тайёрлаш ишларини яқунласинлар.

Мавсумда қатнашадиган барча техникаларни йиғиб, уларни марказлашган ҳолда сифатли таъмирлашни, устахоналарда ишчилар учун зарур шарт-шароитлар ва иссиқ овқат билан таъминлашни ташкил этсинлар ва назоратга олсинлар.

7. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, "Агрокимёхимоя" ХАЖ, "Фарғона нефт база" МЧЖ билан биргаликда кузги ғалла экиш мавсуми учун зарур бўлган фосфорли ва калийли минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари ҳажмларини аниқлаб, мавсум бошлангунга қадар туманларда уларнинг етарли захирасини яратиш чорасини кўрсинлар.

8. "Агрокимёхимоя" ХАЖ, "Фарғона нефт база" МЧЖ, "Фарғонадонмахсулотлари" АЖ, "Қўқондонмахсулотлари" АЖ, "Боғдоддонмахсулотлари" АЖ, "Қувадонмахсулотлари" АЖ:

шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудлардаги шахобчалар орқали ёнилғи-мойлаш материалларини, минерал ўғит ва уруғликни ер таёрлаш ва экиш отрядлари ишлаётган далагача етказиб бериш тизимини ташкил этсинлар;

мавсум давомида ушбу маҳсулотларнинг ер тайёрлаш ва экиш отрядларига узлуксиз равишда етказиб берилишини қатъий назоратга олсинлар ва тизимнинг тўлақонли ишлашига қайд этилган раҳбарлар шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин;


кузги ғалла экиш мавсуми учун зарур бўлган фосфорли, калийли минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти масалаларида узилишларга йўл қўймасликнинг барча чораларини кўрсинлар.

9. Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда ғалла экиш учун шўр ювиладиган ҳудудларни олдиндан аниқлаб, 5 кун муддатда шўр ювиш графикларини ишлаб чиқирилишини ва уларнинг бажарилиши бўйича жорий йилнинг 5 августидан бошлаб кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлигига бериб боририлишини таъминласин.

10. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда кузги бошоқли дон экинлари тўлиқ экирилишини ва жорий йилнинг 20 ноябригача ғалла экилган майдонларни ёппасига хатловдан ўтказишни ва ҳар бир контурда тўлиқ кўчат олиниши мониторингини ташкил қилиш ва натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот беририлишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Тешаев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев.

**Вилоят ҳокимининг
2018 йил «___» августдаги
“_____” -сонли қарорига
1-илова**

**Вилоятда 2019 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экиш мавсумига
тайёргарлик кўриш ва ғалла экиш мавсумини уюшқоқлик билан
ташкил қилиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

Ш.Тешаев	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
О.Хожиматов	Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари
Ш.Мўминов	Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи (<i>келишув асосида</i>)
И.Тургунов	Адлия бошқармаси бошлиғи
А.Рахматиллаев	“Сирдарё-Сўх” ИТХБ бошлиғи
М.Ходжаев	Марказий банк бошқармаси бошлиғи ўринбосари
М.Азимов	Вилоят “Агробанк” АТБ бошқарувчиси
А.Турсунов	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
Р.Муллаев	“Фарғонадонмаҳсулотлари” АЖ раиси
А.Усмонов	“Кўқондонмаҳсулотлари” АЖ раиси
Б.Сотволдиев	“Бағдоддонмаҳсулотлари” АЖ раиси
Қ.Набиев	“Қувадонмаҳсулотлари” АЖ раиси
Ю.Ибрагимов	Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи
А.Азизов	“Агрокимёҳимоя” АЖ раиси
М.Юнусов	“Агросервис МТП” МЧЖ раиси
З.Тўйчиев	“Фарғона нефт база” МЧЖ раҳбари

Вилоят ҳокимининг
2018 йил «___» августдаги
“___” -сонли қарорига
2-илова

Вилоятда 2019 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экишни ташкил қилиш
ТИЗИМИ

